

ўқитиш тизимларидан ва компьютерли тренажёрлардан оқилонга фойдаланишга эришиш;

- БКТЎнинг касбий фаолиятини инновациялаштиришда универсал дидактик қурилмалардан, жумладан мультимедияли технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигининг оширилишига ва олий ўқув юртидаги моддий - техника базанинг бойитилишига мунтазам равишда эътибор бериш лозим бўлади;

- БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда “Интерфаол мулоқотлар майдони”ни, “Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг йўл харитаси технологияси”, “Тизимий ёндашув”, “Тизимли таҳлил”, индукция методи каби илғор интерфаол услуб ҳамда технологиялардан фойдаланиш бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг инновацион таълим технологиясини таъминлаш доимо эътиборда бўлиши лозим ва шу кабилар.

Энди қайд этилган анъанавий таълим жараёнини таҳлилий ўрганиш натижалари, креатив ахборотлар мухити, мутахассис - олимлар илғор фикрлари ва улар асосидаги ахборотли - услубий таъминотлар негизида инновацион дастур ва унга мос инновацион ўқув - дастурий таъминотни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бунда инновацион дастур ишлаб чиқишда қуйидагилар дидактик асос сифатида фойдаланилди:

- ахборотли - услубий таъминот ишининг самарадорлиги бўйича кўрсаткичларни белгилаб олиш;

- инновацион ўқув - дастурий ва инновацион дастурий - дидактик таъминотлар иши натижаларининг таҳлили ва улар асосида лозим топилганда дастурий - методик тизимнинг тузилмасига тузатишлар киритиш;

- олий ўқув юртидаги профессор - ўқитувчиларни АТМ негизида таълим бериш тизими билан ва шу асосда яратилган компьютерли тизимнинг ишчи - мулоқотли дастурлари билан таништириш ва шу кабилар.

Ушбу инновацион дастур негизида БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг инновацион ўқув - дастурий таъминотини ишлаб чиқишга эришилди. Уни амалиётга жорий этиш қуйидагича амалга

оширилади:

- ўқув - дастурий таъминотни ишлатиб кўриш (дастлабки эксперт-тизадан ўтказиш);

- ўқув - дастурий таъминотни амалда қўллаш натижаларини таҳлил қилиш;

- ўқув - дастурий таъминотдан амалиётда фойдаланишга топшириш;

- ўқув - дастурий таъминотни амалиётга жорий этиш бўйича йўриқ-нома, методик тавсия ва шу кабиларни тайёрлаш.

БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги инновацион дастурий - дидактик таъминотни ишлаб чиқишда “Ахборотлашган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий - методик таъминоти” номли тадқиқот ишидаги инновацион дастурий - дидактик таъминотни мўлжал қилиб олдик [1].

Демак, биз “Интерфаол мулоқотлар майдони”ни шакллантиришнинг ташкилий - тузилмавий моделида кўрсатилгандек марказий АТМ бошқариш блокига тегишли дидактик асосларни тайёрлаб олдик.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳозирда ҳаётнинг барча жабҳаларидаги мавжуд техника - технологиялар БКТЎни таълимни ахборотлаштириш методлари билан самарали фойдалана оладиган, уларни такомиллаштириш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган қилиб тарбиялаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади ва тавсия этилган интерфаол технология таълим олувчиларнинг таълим жараёни олдидagi имкониятларини очиб таълим тизимлари ёрдамида кенгайтиришда ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб боришга эришишни таъминлайди.

Таклиф этилаётган “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси универсал характерга эга бўлиб, ундан нафақат БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда, балки ихтиёрий йўналиш бўйича бўлажак ўқитувчи-ларни касбий фаолиятга тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади ва бу орқали улар инновацион таълимни таъминлай олади.

Адабиётлар

1. Савурбаев А., Тошпулатов М., Тавбоев С.А., Ахмедов Ж.Р. К вопросу построения системы интеллектуальной поддержки принятия решений в системных исследованиях. - Чита: // “Молодой учёный”. № 3 (38), февраль 2012, -С. 75-79.
2. Савурбаев А., Тўракулов О.Х., Ахмедов Ж.Р. Поэтапное формирование теоретико-методологических основ образовательной среды. // «Научный прогресс». №5 (май). 2018. - С. 10-11
3. Тўракулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. Монография. - Т.: “Фан”, 2007. 248-б.
4. Тўракулов Х.А. ва бошқалар. Илмий тадқиқот асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Fan va texnologiya, 2011. 484-б.
5. Ахмедов Ж.Р. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ҳаракатлар стратегияси. // “Ta’lim, fan va innovatsiya” -Т.: 2019. №2. 68-74-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш учун “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясини ишлаб чиқиш масаласи қаралади. Мазкур мақоладан бўлажак мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш муаммоси билан шуғулланувчилар фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается разработка технологии интерактивной платформы для подготовки будущих учителей профессионального образования к инновационной деятельности. Материалы статьи могут быть использованы всеми, кто интересуется вопросами улучшения качества подготовки будущих специалистов.

SUMMARY

The article discusses the development of an interactive platform technology for preparing future teachers of vocational education for innovative activities. The materials of the article can be used by all people who are interested in improving the quality of training future specialists.

ЎҚИШ, НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ИНСОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ш.А.Атаев - филология фанлари номзоди

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти

Таянч сўзлар: нутқ фаолияти, ўқиш, тавсиф, матн, ўргатиш, бадий адабиёт.

Ключевые слова: речевая деятельность, чтение, характеристика, текст, обучение, художественная литература.

Key words: speech activity, reading, characteristics, text, teaching, imaginative literature.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг дунёвий билимлардан воқиф бўлиши, тафаккурини такомиллаштириши орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғусини оширишга давлатимиз катта эътибор

бермоқда. Бунинг яққол исботи сифатида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси

ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрь ПҚ-3271-сон Қарорини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Албатта, инсонни комиллик сари етакловчи ягона йўллардан бири бу бадиий адабиёт бўлиб, у маълум халқнинг тарихи ёки бўлмаса миллий қадрияти, урф-одати асосида дунёга келади ва тилдан тилга таржима қилиниб, санъат дурдоналари сифатида халқларнинг бебаҳо мулки бўлиб қолаверади.

Маълумки, маълумотлар асосан уч йўл билан, ўқиш, тинглаб тушуниш ёки бўлмаса, кўриб тушуниш орқали қабул қилинади.

Агарда ўқишга тўхталадиган бўлсак, бу нутқ фаолияти тури инсоният тарихида оғзаки нутқ фаолияти турларидан сўнг вужудга келган ва мулоқот қилиш ва дунёни билишда асосий восита ҳисобланади. Илмий адабиётларда ўқиш терминининг талқини қуйидагича: “ўқиш деганда, ҳарфий белгиларда ифодаланган нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини пайкаш жараёни тушунилади”[3:11].

Маълумки, ўқиш жараёнида таҳлил қилиш, натижаларни умумлаштириш, хулосалаш кўзда тутиш билан бирга, унинг тарбиявий ва таълимий аҳамияти бекиёсдир. Рус методист олими Г.В.Рогованинг эътирофи этишча, “ўқиш ақл-идрокни силлиқлайди ва хис-туйғуни кучайтиради”[2:139].

Ҳозирги кунга келиб, асосан МДХ мамлакатларида инсон руҳига ижобий таъсир қилиш, уларни ёмон иллатлардан сақлаб қолиш борасида етарлича муаммолар мавжуд бўлиб, улар асосан собиқ Иттифоқнинг парчаланиши билан боғлиқдир. Мафкураининг ўзгариши оқибатида, асосан, ёшларда маънавий бўшлиқ пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситаларида нотўғри маълумотларнинг идрок қилиниши натижасида кўпгина ёшларимизнинг онгида янглиш тушунчалар пайдо бўлмоқда. Мустақилликдан сўнг Республикамиз раҳбарияти саъй-ҳаракатлари туфайли миллий қадриятларимиз ва мафкурамиз қайта тикланди. Ёшларимизнинг онгида ота-боболаримиз қолдирган улкан мерос туфайли Ватанга муҳаббат ҳисси шаклланиб келмоқда ва бунга асос етарли десак хато бўлмайди. Бу жараёнда ўқиш нутқ фаолияти тури асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки маълум бир маълумот (хабар, янгилик, мақола, шеър, асар) ўқиш орқали идрок этилиши оқибатида инсонда унинг мазмуни билан боғлиқ ижобий ёки бўлмаса салбий ассоциациялар вужудга келади. Натижада инсон руҳиятида атроф-муҳитга бўлган муносабат ўзгаради. Бу нарса асосан мустақиллик йилларида кўп кузатилди, яъни “Қуръони Карим”да битилган маълумотларнинг нотўғри талқин этилиши натижасида маънавий ожиз бўлган ёшларимиз турли оқимларга кириб кетдилар. Лекин бу ҳавф ҳали ҳам ўз кучини тўлалигича йўқотганича йўқ. Албатта, ёшларимизнинг маънавий бақувват комил инсон бўлиб шаклланишлари учун ҳозирги кунда талайгина ишлар амалга оширилмоқда, яъни “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик”, деб бажизга Абдулла Қодирий айтмаган, яъни келажак сари йўл ўтмишга қараб иш кўриш орқали ўтади. Ўтмишга назар солиш, тарихдаги буюк сиймолар тўғрисида асарлар ёзиш ва уларни тайёр ҳолатда китобхонга тортиқ қилиш олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Албатта бадиий асарни ўқиш орқали китобхонда бу юртга нисбатан, унинг бой тарихи ва миллий қадриятларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонади. Юртимиз тарихида қайси даврни олмайлик, шу даврга оид илмий ва бадиий адабиётларни ўқиш жараёнида халқимизга хос бўлган жасурилик (Тўмарис, Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) маърифатпарварлик (Алишер Навоий, Абдулло

Авлоний, Бехбудий), меҳмондўстлик, бағрикенглик ва бошқа хусусиятлар асрлар давомида шаклланиб келган.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг бадиий китоб ўқимай қуйганлиги сабабли оилада ота-она ва фарзанд ўртасида ҳурмат, меҳр-муҳаббат каби тушунчаларнинг камайиб кетишига сабабни бўлмоқда. Шунинг учун фарзандларимиз онгида бой маънавиятимизни шакллантиришнинг ягона йўли бу – китоб бўлиб, санаб ўтилган миллий хусусиятларимиз ҳам бадиий адабиётимизда акс этган. Шу сабабдан, ёшларимизга китоб ўқишни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ. Албатта тил ва адабиётни бойитиш фақатгина миллий адабиёт билан эмас, балки жаҳон бадиий адабиёти дурдоналари орқали ҳам амалга ошириш табиий. Маълумки, ҳар қандай адабиёт яқка ҳолда тараққий этмай, бошқа тиллар билан ўзаро уйғунлашуви орқали ривожланади, яъни бирон-бир воқеа-ҳодиса ёки асар миллий адабиётнинг шаклланишига туртки беради.

Албатта жаҳон бадиий адабиётида немис ёзувчи ва шоирлари Йоханн Вольфганг Гёте, Фридрих Шиллер, Готтфрид Лессинг, Хайнрих Манн ва б. асарлари ўчмас из қолдирган. Улар қаторига Й.В.Гётенинг “Фауст” асарини киритишимиз мумкин. Аслида бу асар инсониятнинг босиб ўтган йўлини ўз ичига олган, десак хато бўлмайди. Шунингдек, “Фауст” чуқур фалсафий ўйга ундовчи трагедия ҳам ҳисобланади. Умуман олганда, бадиий адабиётни ўқиш орқали китобхонда тафаккур шаклланиши билан бирга ёшларимизнинг китобхонлик маданияти юксалишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Назаримизда китобнинг асосий вазифаларидан бири, инсоният руҳиятига ижобий таъсир қилишдан иборат, яъни китобхон (таълим олувчи) бирон-бир асарни ўқиш орқали маънавий озиқланади.

Маълумки, ўзбек халқ ёзувчиси Эркин Воҳидов “Фауст” асарини рус тилидан Б.Пастернак ҳамда Н.Холодковский таржималари орқали ўзбек тилига ўғирган бўлиб, асар борасида шундай деган: “Фауст каби асарлар ҳақида сўзлаш жуда қийин. Таржима қилиш ҳам осон эмас. Мен “Фауст”ни жуда улкан қасрга ўхшатаман. Унинг умум қурилмасидан тортиб ҳар бир нақшигача абадиёт учун мукамал қилиб яратилган. Ахир Гёте каби улуг ва заҳматкаш даҳо бу асарни олтмиш йил ёзган! Ўн беш минг мисрага яқин бу мўъжизани инсоният тарихининг мағзи деса бўлади. Бу тарих бир инсон қисматида мужассам бўлганки, уни ақл ва идрок билангина эмас, балки юрак билан ҳис этмоқ даркор” [1:5]. Албатта, бир тарафдан асар инсон қалбида илиқлик уйғотса, бошқа тарафдан Мефистофель образи орқали кўз олдимизда ёзувлик кучи намоён бўлади, яъни трагедияда ижобий ва салбий образларнинг тўқнашуви, бошқа тарафдан эса ҳаёт фалсафаси акс этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Асарнинг бош қаҳрамони “Фауст”га келадиган бўлсак, у Гётенинг кечинмалари ва ҳаётий тажрибаси асосида келиб чиққан. Унда асосан ҳаётга бўлган қарама-қарши муносабат акс этган.

Фауст асарда олим сифатида тасвирланган бўлиб, у дунёвий илмлар билан бирга диний билимлардан ҳам яхши хабардор бўлади. Буларни қуйидаги мисралар орқали кузатишимиз мумкин:

Илоҳиёт билан банд бўлдим,
Файласуфи хирадманд бўлдим.
Илми ҳуқуқ, илми таъбабат –
Барчасини ўргандим, фақат
Фақат менга бир нарса аён:
Нодон эдим, нодонман ҳамон.

Бу мисраларда 18-асрда ўргатилган фанлар тилга олинган, Фауст бу фанларни ўрганиш етарли эмаслиги ҳақида сўзлайди. Албатта, бу ўша даврда ҳам диннинг ўрни муҳим эканлигидан далолат беради. Китобхон бу каби мисраларни мутолаа қилар экан, ўз-ўзидан улар

тафаккурида янги ғоялар шаклланади ва унинг таъсири оқибатида инсонни ижод кўчаси сари етаклайди. Фауст нафақ олим, балки унинг инсоний жихатлари, яъни беозорлигини Мефистофельнинг куйидаги мисраларида кузатишимиз мумкин: Бу чолнинг ажобий бир хислати бор,

Ҳатто иблисга ҳам бермайди озор.

Асарда эзгуликни ўзида намоён этувчи Фаустдан сўнг, иккинчи асосий персонаж Мефистофель бўлиб, асосий кураш ҳам айнан шу ўртасида бўлиб ўтади. Мефистофельнинг ёвуз хислатларини нафақат унинг ёвуз ишлари орқали, балки унинг куйидаги сўзлари орқали ҳам билиб олиш мумкин:

Мен инкор руҳиман, инкор қилишни

Қасб қилиб олганман – коинот абас,

Тангри не яратмиш бари керакмас,

Барини йўқотмоқ истагим-сўзим

Хуллас, сиз ёмонлик дея атаган –

Бузиш, беомонлик дея атаган –

Куч – менинг ўзим.

Асарни ўқиш жараёнида нафақат икки қарама-қарши кучнинг кураши, балки Фаустга хос бўлган бунёдкорлик хислатларини ҳам кўришимиз мумкин, яъни денгиз буйидаги кимсасиз маконда инсон бахтли

Адабиётлар

1. Гёте И.В. Фауст [Тарж. ва кириш сўзи Э. Вохидовники]. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. 377- 6.
2. Рогова Г.В., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Х. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. -М.: "Просвещение", 1991, -С. 287.
3. Очерки методики обучения чтению на иностранных языках. / под ред. Бермани и В.А.Бухбиндера. -Киев: "Высшая школа", 1977, -С.175.

Мазкур мақола ўқишнинг инсон онгининг юксалишидаги ўрнига бағишланган. Муаллиф ўқишнинг кўпгина олимлар томонидан таклиф этилган тавсифларини ўрганиб чиқади. Иллюстратив материаллар Гётеннинг "Фауст" фожианомасидан олинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли чтения в становлении человеческого разума. Автор даёт характеристику чтению, предложенную многими учёными. Был использован иллюстративный материал из трагедии Гёте «Фауст».

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

The article is dedicated to the role of reading in the development of the human mind. The author gives characteristics of reading proposed by the majority of scientists. The illustrative material from the tragedy „Faust“ by Goethe has been used by the author.

«БЕС ТАС» ОЙИНЫ ҲАМ ОНЫҢ ТӘРБИЯЛЫҚ ӘХМИЙЕТИ

Ө.Әлеўов - педагогика илимлериниң докторы, профессор

Әженияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Т.Пахратдинова - ассистент оқытушы

Ташкент мәмлекетлик аграр университети Нөкис филиалы

Таянч сўзлар: санаш, қиёслаш, кўшиш, ўйин, ҳаракат, чаққонлик, кўл ўйини.

Ключевые слова: считать, сравнение, прибавить, игра, движение, ручная игра.

Key words: counting, comparing, to add, game, activity, (nimbleness), hand game.

«Бес тас» ойыны-эпийайыдан қурамалыға қарай басқышпа-басқыш өтип отыратуғын ойын. Бул ойын эпийайы хэм қурамалы болып екиге бөлинеди. Ойынның қурамалы басқышында ойын ҳәрекетинде топ-ланған упайларды басқышпа-басқыш избе-изликте қосып, ал жеңилиске ушыраған ўақытта бул упайларды алып таслап, арифметиканың алыў, қосыў әмеллеринен пайдаланылады. Бул арифметикалық әмеллерден пайдаланыў ўақтында балаларға қағаз, қәлемсиз есап-китапты ядтан орынлаўға туўра келеди. Ойын қатнасыўшыларынан ойын барысында тек ғана қолдың шаққанлығы емес, ал есап-санақ жұмысларын да қәтесиз орынлаў талап етиледі. Бул ойынларды ойнаған қызлар өзлериниң киши жаста екенлигине қарамастан, математикалық әмеллерди алжаспастан иске асырыў керек екенлигин түсинеди.

«Бес тас» ойынының қурамалы басқышының ойналыў тәртиби төмендегише:

ойынның биринши басқышы «ләм» деп аталады. Бунда биринши қыз қолына бир тас алып, «бир» дегенде жоқарыға ҳаўалатып ылақтырып, алақанның сыртқы арқасына түсиріп, түскеннен кейин «ләм» деген сөзди айтып, епшиллик пенен алақанның төменге қаратқан халда сол тасты қақшып алады. Бул ҳәрекетлерди

хаёт кечириши учун фаровон бир шаҳарни барпо этиши китобхонда ўз олдиға кўйған мақсадларини амалға оширишиға тўртки беради. Бошқача қилиб айтганда бешиқдан қабргача бўлған йўл фақат билим олиш, меҳнат қилиш ва асосийси бахтли яшашға бўлған интилишдан иборат. Асар қахрамони хэм ҳаётининг сўнгги кунларида ўз фаолиятдан қаноатланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хоҳ у Ватан адабиёти, хоҳ жаҳон адабиёти бўлсин албатта ёшларға ватанпарварлик, бунёдкорлик ғояларини сингдириши, таълим билан бирға, улар руҳиятиға ижобий таъсир қилиши китоб ўқишдан асосий мақсад бўлиши лозим. Ўзбек тилининг бой миллий-маънавий меросини адабиёт орқали тарғиб қилиш ёшларимиз онғидаги бўшлиқни тўлдиришға асосий омил бўлиб хизмат қилиши табиий. Ёшлар ва китоб ўртасидаги кўприк вазифаси, бадий адабиётға, илмға бўлған муҳаббатни уйғотиш педагогларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Демак, ўқиш орқали инсоннинг тафаккури шаклланиши билан бирға, унинг руҳияти ижобий тус олади. Бунинг натижасида Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Йоханн Волфганг Гётедек барқамол шахслар улғайса ажаб эмас.

алжаспай орынлаған қыз жигирма упайға ериседи.

Екинши ҳәрекетте қолға еки тас алып, «еки» дегенде алақанның сыртқы арқасына түсиріп, соң жоқарыға ҳаўалатып ылақтырып «ләм» дегенде бул еки тастың биреўин алақанды төмен қаратып қақшыса, ал екиншин алақанын жоқарыға қаратып қақшып алатуғын болған. Ойынның қурамалылығы да усында, бул ҳәрекетти орынлаған қыздың упайы еки еселенип енди жигирма упай емес ал қырк упай топлаған. Жәми алпыс упай топлаўға ериседи.

Ал, үшінши ҳәрекетте ойыншы қыз қолына үш тас алып «үш» дегенде бул тасларды жоқарыға ҳаўалатып ылақтырып, алақанның сыртқы арқасына түсиреди. Соңынан жоқарыға ҳаўалатып ылақтырып биреўин алақанын жоқарыға қаратып қақшып алыўы тийис, ал қалған екеўин алақанын төменге қаратып қақшып «ләм» деп айтып, усы үш тасты алақанына түсиріп қақшып алғаннан соң жеңиске ериседи. Қыздың қолындағы үш тасы еки еселенип, ҳәр бирине жигирма упайдан берилип, нәтийжеде ойыншы алпыс упайға ериседи.

Төртинши ҳәрекетте ойыншы қыз қолына төрт тас алып «төрт» дегенде жоқарыға ҳаўалатып ылақтырып бул тасларды алақанның сыртқы арқасына түсиреди.